**Ушбу сонда:**
2 МУАММО КЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛАДИ
3 ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ
4 ЎҒРИГА ДЎЗАХ АЗОБИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 31 март, чоршанба № 37 (684)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## С.А.Алимбоевни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Собит Аҳмадович Алимбоев Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 30 март

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## В.С.Бегановни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Виль Савельевич Беганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозимидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 30 март

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида

***Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини авж олдириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти учун реал шарт-шароитларга эга бўлган янги тадбиркорлик тузилмалари шакллантирилишини, шунингдек, белгиланган ҳисоб-китоб тартибига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:***

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 апрелидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга янги ташкил этилаётган савдо ва савдо-воситачилик корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг ҳокимликларида рўйхатдан ўтказиш ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш уларда ўзларининг устав фаолиятига мос келадиган савдо майдонлари, омборхоналари ҳамда асбоб-ускуналари; шу жумладан, чакана савдо корхоналари учун -- назорат-касса аппаратлари ёки уларни харид қилишга ёхуд ижарага олишга маблағлари мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Мазкур тартибга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг раиси ва ҳудудий солиқ органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Агарда савдо ва савдо-воситачилик корхоналари уч ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ пул операцияларини банк ҳисобварақлари орқали амалга оширмаган ҳолларда тижорат банклари:

уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича кейинги операцияларни ўтказишни тўхтатиб қўйсин /бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқларни ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўтказиш бундан мустасно/;

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилган санадан бошлаб уч кун муддатда юридик шахс фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлаш учун у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномасига биноан, молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ пул операцияларини банк ҳисобварақлари орқали амалга оширмаётган юридик шахсларни белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлар реестридан чиқарсинлар.

4. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг юридик манзилгоҳи ўзгаргани ҳақида рўйхатга олувчи органга ва солиқ хизмати органига 10 кун муддат ичида маълум қилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига солиқ органлари томонидан энг оз иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача маъмурий жарима солиниши белгилаб қўйилсин.

5. ''Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида'' Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон Фармонининг 8-банди савдо ва савдо-воситачилик корхоналари учун ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 29 март

*Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда*

## ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Ёши улуғ одам ҳеч қачон хушомадга берилмайди. Бироқ халқ дилидаги гапни рўй-рост айтаман: бизнинг бахтимиз, суянган тоғимиз - муҳтарам Президентимиз ҳеч қайси раҳбар қилолмаган ишларни рўёбга чиқармоқдалар. Масалан, улуғ бобомиз Амир Темурни онгимизга «қонхўр», «жаллод» деб сингдириб келишди. Президентимизгина мардлик кўрсатиб, буюк соҳибқиронни юзага чиқарди, оқлади! Ёки, фақат бизнинг Ўзбекистондагина чегараларимизнинг дахлсизлигини ўзимиз таъминлаб, ўзимиз қўриқлаяпмиз.

Дилимда уммондек жўшиб турган гапларим кўп. Ҳаётимиз дастуруламали бўлиб хизмат қилаётган давлатимиз раҳбарининг «Маънавий юксалиш йўлида», «Баркамол авлод орзуси» номли асарларини тўлқинланиб ўқидим, кўпгина саволларимга жавоб топдим. Бир нарсага иқрор бўлдим, лоқайдлик касалига мубтало бўлганидек. Баъзан шивир-шивир қилиб камчиликларни айтамиз, кимларгадир ақл ўргатамиз. Бироқ кўпнинг ўртасида, керакли пайтда лом-мим демай оғзимизга талқон солиб ўтирамиз. 16-феврал воқеалари ҳар томонлама катта сабоқ бўлди, ақлимиз кирди. Муҳими бугун биз онгсиз оломон эмасмиз. Иродамиз мустаҳкам, танлаган йўлимизга содиқмиз. Ўша оғир дамларда кимнинг ким эканлиги яна бир бор катта синовдан ўтди. Феврал воқеалари элимиз, юртимизнинг мустақилликни, тинчлик-хотиржамликни нечоғлик яхши кўришини, лозим бўлиб қолса бунинг учун жонини ҳам аямаслигини, Президентимиз билан якдил эканлигини яққол кўрсатди.

Ҳозирги мураккаб, нотинч замонда бағоят хушёр бўлишимиз лозим. Ён-атрофга бир қарайлик, афғон фожеаси, Тожикистон мусибатлари бизга сабоқ бўлиши лозим. Ислом дини муқаддас дин. Аммо уни қурол қилиб олганлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмайлик. Инсон учун киндик қони тўкилган тупроқни озод ва обод кўришдан ортиқ бахт йўқ. Шу боис азиз Ватанимизни, мустақиллигимизни, меҳрибон Президентимизни кўз қорачиғидек асраймиз.

**А.РАҲМАТХЎЖАЕВ,**
**Янгийўл тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.**

## ЖИСМИ ЖОНИМИЗГА СИНГГАН

Ислом дини ота-боболаримизнинг ажойиб қадриятларини сақлаб қолиш, уларни авлоддан-авлодга етказишда беқиёс хизмат қилиб келмоқда. Қолаверса, у Ўзбекистон фахри, ғурури бўлмиш алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу ҳақда муҳтарам юртбошимиз бизга бот-бот уқтириб келмоқдалар.

Муқаддас ислом дини жисму жонимизга шу қадар сингиб кетганки, усиз ўзимизни, ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Бу муқаддас йўлда собитмиз. Эслайлик, собиқ шўро даврида халқимизни динидан, тилидан, маданиятидан мосво қилишганди. Шундай кунлар ҳам бўлдики, дуога қўл очишга инсонлар чўчиб қолишди. Яқин бир танишим отасининг жанозасида қатнашганлиги учун мансабидан айрилди, узоқ вақт азият чекди. Бироқ муқаддас динимизга бўлган эътиқодни қалбимиздан юлиб олишолмади. Яратганнинг ўзи ярлақаган гўзал юртимизда миллионлаб улуғ ниятли мусулмонлар бор. Улар 16 феврал куни портлатишларни содир этиб, гуноҳларга ботган ёвузларга лаънатлар айтишмоқда. Бугунги кунда маънавий ҳаётимизни пиру комиллар номлари билан боғлаётганлигимизни, отабоболаримиз анъаналарига содиқлигимизни жумлаи жаҳон кўриб, билиб турибди. Эътиқоди мустаҳкам, ўз Ватанини, Президентини жон дилидан севадиган, улар учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган инсонларни асло енгиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини ўқиб бу борадаги фикрларим янада тиниқлашди, хушёр тортдим.

**Саида АЛИҚУЛОВА,**
**ёшлар мураббийси.**

*БУХОРОЧА КУРАШ: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини соҳиблари*

## БЕЛЛАШУВЛАР УМИД УЙҒОТДИ



Паҳлавон Маҳмуд нафақат мутафаккир шоир, балки машҳур полвон ҳам эди. Унинг куч-қудрати, мардлиги «Пурёнвалий», яъни паҳлавонларнинг пири деган номга муносиб топилган.

Ривоят қилишларича, Ҳинд подшоси ўтказган катта кураш мусобақасида қатнашган полвон барча рақибларини мағлуб этган. Унинг мардона олишувига тан берган подшоҳ Паҳлавон Маҳмудга «тила тилагингни» деган. Шунда у бир ҳўкиз терисига сиғадиган ҳамюртларини ўзи билан олиб кетиш истагини билдирган. Унинг ниятини яхши англамаган подшоҳ бу шартга розилик берган. Шунда Паҳлавон Маҳмуд бир ҳўкиз терисини олиб, ундан қайиш ясаган ва уларни бирбирига боғлаб узун арқон эшган. Арқонни айлантириб ўраганда, жамики асирлар унинг ичига жо бўлиб, шу тариқа тутқунликдан қутулганлар.

Биз бежизга ўтмишга мурожаат қилмадик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрининг «Семурғ» спорт мажмуасида курашнинг бухороча усули бўйича ўтказилган мусобақа чоғи бамисоли олишувлар бораётган гиламлар узра Паҳлавон Маҳмуд руҳи кезиб юргандек бўлди. Ҳар бир беллашув ўзига хос жиҳатлари билан мухлисларни ҳаяжонга солди. Кимнинг қўли баланд келишидан қатъий назар ҳалоллик ва рақибга эҳтиром курашчиларни тарк этмаганлиги, томошабинларга хуш ёқди. Бир сўз билан айтганда, мусобақа барчада яхши таассурот қолдирди.

— Мен ўзим русман, - дейди самарқандлик Михаил Соколов. - Муқаддам курашнинг кўпгина турлари билан шуғулланганман. Лекин йиллар ўтиб миллий курашга бўлган иштиёқим ортиб борди. Мана бугун финалда бухоролик истеъдодли спортчи Овул Остонов билан беллашдим. Очиғи, ғолиб бўлганимдан ғоят бахтиёрман. Биламанки, эндиликда мен учун халқаро турнирларга йўл очилди.

Дарвоқе, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ютуқлари билан дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб турган давлатимиз нуфузи айни вақтда спорт соҳасида эришилаётган ғалабалар туфайли ҳам юксалиб бормоқда. Бир гуруҳ ватандошларимиз томонидан ер юзидаги энг баланд чўққининг забт этилиши ва у ерда мамлакатимиз байроғининг ҳилпираб турганлиги қаторида яқинда миллий кураш бўйича жаҳон ассоциациясининг ташкил этилиши шубҳасиз, Ўзбекистон спортининг келажаги порлоқ эканлигидан далолатдир. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай она Ватанимиз бўйлаб қатор кураш мусобақалари, турнирлари бирин-кетин бўлиб ўтаётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди:

— Сурхондарё - полвонлар юрти, - дейди яна бир ғолиб Олим полвон Худойқулов. - Лекин Бухоро шаҳридаги беллашувлар миллий кураш барча вилоятларда ҳам жуда катта суръатлар билан юксалиб бораётганлигини кўрсатди. Ўйлайманки, келгуси баҳсларда ғолиб чиқиш яна ҳам қийин кечади. Бундан фақат қувониш керак.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, мусобақаларнинг зўр уюшқоқлик билан ўтказилишида касаба уюшмалари вилоят кенгаши фаоллари ва кўнгилли спорт жамиятлари вакилларининг жонбозликлари айниқса асқотди... Энг муҳими, турнир спортнинг бу турига бўлган ҳавас ва қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини тасдиқлади. Ҳеч шубҳа йўққи, полвонларимиз май ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам совринли ўринларни эгаллаб, миллий курашимизнинг янада равнақ топишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун Бухорода ўтказилган беллашувлар шундай умид билдиришга асос яратди.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**Ҳасан АБДУЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

* * *

### Газета саҳифаланаётганда

**Республика «Кураш» миллий федерациясининг Бухоро вилоят ҳудудий федерациясини тузишга бағишланган таъсис анжумани бўлди. Унда «Кураш» миллий федерациясининг вилоят бўлими тузилди, унинг раиси ва ўринбосарлари сайланди.**




## САНАТОРИЙГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкент вилояти ғаллакорлари ўтган йилни юқори натижалар билан якунладилар. Бу ютуқда комбайнчиларнинг ҳам ўринлари бор.

Куни кеча улардан бир гуруҳини юқори кўрсаткичлари билан Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ҳам табриклади. Фидокорларнинг ҳар бирига соғлиқларини мустаҳкамлаш учун Бўстонлиқ туманидаги Хумсон санаторийсига йўлланма берилди.

Илғор комбайнчилардан Бўка туманидан Абдурашид Муллабоев, Оҳангарондан Абдусаттор Юнусалиев, Юқори-Чирчиқ туманидан Ўрол Гатинлар бундай эътибор учун миннатдорчилик билдирдилар. Улар мавсумда «Кейс» бункерларидан вилоят хирмонига 2000-2500 тонна дон тўкишиб юқори кўрсаткичларга эришгандилар.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бизга жавоб берадилар*

## ФЕРМЕРГА ЕР БЕРИЛДИ

**Мулк эгасини топсин! Бу бозор иқтисодиётининг ўзига хос шиори. Зеро, ҳар ким эзгуликка интилади, астойдил ишлайди ва шунга яраша самарага эришади. Бундан эл ҳам, мамлакат ҳам манфаатдор. Афсуски, ҳали ҳануз кимларнингдир бойиб кетишидан чўчиётган раҳбару мутасаддилар ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, улар ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари билан тараққиётга тўғаноқ бўлаётганликларини англамайдилар ҳам.**

*Газетамизнинг 27 январ сонида «Ўртада сарсон фермер» сарлавҳали танқидий мақолада ана шу муаммо кўтарилган, хусусан унда Сайхунобод тумани «Пахтаобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Аҳмат» деҳқон фермер хўжалиги раҳбари Холбўта Норбоевнинг қўшимча ер сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилганлиги, лекин унинг аризаси ижобий ҳал қилинмаётганлиги ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган эди. Куни кеча Сирдарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Примқулов имзоси билан жавоб хати олинди.*

*— Мақола мутахассислар томонидан ўрганилганда , - дейилади жавоб хатида, - ҳақиқатан ҳам мақолада келтирилган далиллар ўз тасдиғини топди. Х.Норбоев бошлиқ «Аҳмат» деҳқон-фермер хўжалиги 1995 йилдан буён 3 гектар ерда фаолият кўрсатиб келаётганлиги, қўшимча ер ажратиш бўйича 1997 йил 10 декабрда туман ҳокимлигига мурожаат қилганлиги, аммо 1998 йил давомида туман ҳокимлиги томонидан ер ажратилмаганлиги аниқланди.*

*Сайхунобод тумани ҳокимининг 1999 йил 4 мартдаги 118-сонли қарори билан «Аҳмат» деҳқон-фермер хўжалигига «Пахтакор» ширкат хўжалигининг 107, 152 контурларидан қўшимча 85 гектар ер майдони ажратиб берилди.*

*Деҳқон-фермер хўжаликларига ер ажратишда Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги қонунига қатъий риоя қилиш ва доимий назорат ўрнатиш бўйича вилоят ҳокимлиги барча чораларни кўради.*

## КОРХОНА МАДАДИ

«Гурлан» ҳиссадорлик жамияти Хоразм вилоятининг истиқболли корхоналаридан бири. Чет эл сармоясига қурилган бу корхонада бугунги кунда 1100 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича қатор тадбирлари амалга оширмоқда. Масалан, ишчилар бепул автобус хизматидан фойдаланяптилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ишчилардан 44 нафари турли сиҳатгоҳларда бепул дам олиб ва даволаниб қайтдилар. Ишчиларнинг тўй-маракаларида жамоа қараб турмайди. Ишчиларга 10 минг сўмгача ёрдам пули беріляпти.

**Шихназар АҲМЕДОВ.**

